



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 62 (11.623)

Баҳоси эркин нархда

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

- Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси саноат, қурилиш, транспорт ва савдо соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказди. Кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқар экан, депутатлар асосий эътиборни соҳага оид қонун ҳужжатларидаги муаммолар ва уларнинг ечими, қонунларни ижрочиларга етказиш, мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда процессуал механизмларни такомиллаштиришга қаратдилар.

- Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва республика Болалар кутубхонаси ҳамкорлигида Тошкентда болалар ва ўсмирлар китобхоналиги ҳафталиги бошланди. Ҳафталик доирасида янги бадиий, болалар ва ўқув адабиётлари кўргазмаси, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, маънавий дарслари, маънавий-маърифий муассасалар, музей ва театрларга экскурсиялар ташкил этилади.

- Тошкент ҳарбий округининг дала ўқув майдонида муддатли ҳарбий хизматни бошлаган аскарларнинг жанговар техника ва қурол-аслаҳа билан танишиш бўйича кўргазмалар ўқув машғулоти ўтказилди.

- Гулистон шаҳрида она ва бола скрининги вилоят марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 107 миллион сўмлик ушбу замонавий иншоотни «Пайвандчи» МЧЖ қурувчилари бунёд этишди. Энг муҳими, барча қулайликларга эга марказга «Дамас» автомобиллари ажратилган бўлиб, у узоқ туманлардан қон намуналарининг ўз вақтида етказилишини таъминлайди ва шифокорлар ишини енгилаштиради.

- Бўстонлик туманида сел, тошқин ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқуллодда ҳолатларнинг олдини олиш бўйича ўқув машқлари бўлиб ўтди. Тошкент вилояти ва Бўстонлик тумани ҳокимликлари, Фавқуллодда вазиятлар вазирлигининг вилоят бошқармаси ўзаро ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирда тумандаги кўплаб автокорхона ва ҳўжалик юритувчи субъектлар вакиллари қатнашди.

- Нукус қишлоқ ҳўжалик коллежида касб маҳорати танлови ўтказилди. Унда юздан ортиқ битирувчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

**ЖАҲОНДА**

- 2010 йилнинг биринчи чорагида евро курси долларга нисбатан 6,4 фоиз пасайди. Бу кейинги ярим йил мобайнида Европа валютаси пасайишининг рекорд кўрсаткичидир. Евро курси евроҳудудда жойлашган бир нечта давлатнинг, биринчи навбатда Грециянинг молиявий қарзлари оқибатида бир неча ойдан буён пасайишда давом этмоқда.

- Буюк Британиянинг «Бритиш Эйрвейз» авиакомпанияси ва «Юнион» касаб-ушмаси ўртасида давом этаётган қарама-қаршилик янада кучайди. Буни маҳаллий телерадиокомпанияларда эфирга узатилган борт қузатувчиларининг навбатдаги норозилик намойишлари билан изоҳлаш мумкин. Авиаташкilot мутасаддиларининг маълумотларига кўра, мазкур келишмовчилик оқибатида 17 минг нафарга яқин йўловчи азият чеккан.

- АКШ Федерал суди Вашингтонда қурол олиб юришни тақиқлаш тўғрисида қарор чиқарди. Суд аввал ҳам худди шундай қарор қабул қилган, аммо у Олий суд томонидан бекор қилинган.

- Daimler ва Renault-Nissan компаниялари ўзаро бирлашиш ҳақидаги музокара-ларни бошлашди. Ушбу икки автомобил ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар охириги битимга келишишса, уларнинг қўшилиши натижасида пайдо бўладиган концерн автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунёда учинчи ўринга қўтарилади.

- Саудия Арабистони ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари террорчилик фаолиятига алоқадорликда гумон қилинган 113 кишини қўлга олди. Улар «Ал-Қоида» халқаро террорчилик ташкilotи тармоқларига кирувчи учта гуруҳ вакиллари. Маълумотларга кўра, ушбу террорчилар мамлакат шарқидagi нефть қонлари ва нефтни қайта ишлаш саноат корхоналарига ҳужум уюштириб, портлатиб юборишни режалаштиришган экан.

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 31 март куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари Сергей Ивановни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, жорий йил 29 март куни Москва метросида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлгани муносабати билан Россия Федерацияси раҳбарияти ва халқига яна бир бор ҳамдардлик билдирди. Президентимиз Ўзбекистон — Россия муносабатлари ҳақида тўхталар экан, бу муносабатлар кўплаб соҳаларда юксак даражада барқарор ривожланиб бораётганини таъкидлади.

«Халқларимиз ўртасидаги узоқ тарихга эга аънавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари Ўзбекистонда юксак қадрланади. Ўзбекистон Россия билан икки ва кўп томонлама муносабатларнинг ҳали тўла ва самарали фойдаланилмаётган улкан салоҳиятини ишга солишга доимо тайёр. Шу боис ҳукуматлараро комиссиянинг бу галги мажлисини ҳамкорликнинг икки томон ҳам манфаатдор бўлган стратегик муҳим йўналишларини белгилаш учун яхши имконият, деб биламиз», деди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик машинасозлик, энергетика, электротехника ва фармацевтика соҳаларини қамраб олган. Бунда нефть-газ, тоғ-кон ва металлургия саноати устувор йўналиш этиб белгиланган. Телекоммуникация, кимё, қурилиш, тўқимачилик ва сайёҳлик соҳаларида ҳам ҳамкорлик учун катта имкониятлар мавжуд.

Икки томонлама келишувга биноан, истиқболли йўналишларни ўзаро ҳамкорликда ривожлантириш имкониятларини белгилаб берадиган Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссияси фаолият юритмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Сергей Иванов самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси билан турли соҳаларда икки томонлама муносабатларни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида давлатимиз раҳбарининг Россия Федерациясига ташрифига тайёргарликнинг боришига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

**Пойтахтимизда 31 март куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.**

Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, энергетика, нефть-газ, мудофаа, банк-молия, савдо-саноат, геология, транспорт ва транспорт коммуникациялари, божхона, авиасозлик, машинасозлик ва гуманитар соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралар, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, комиссия ҳамраиси Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик деярли барча йўналишларда, жумладан, энергетика, авиасозлик, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳаларда жадвал ривожланиб бормоқда. 2009 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 4,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони саккиз юздан ошди. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган уч элликка яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистондан Россияга

транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, асбоб-ускуна, пахта толаси, қора ва рангли металллар, пластмасса буюмлар ҳамда бошқа турдаги юқори технологияли маҳсулотлар экспорт қилинади.

Мажлисида томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, хусусан, ёқилғи-энергетика мажмуи, авиасаноат, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар каби соҳалардаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари турли йўналишларда изчил ривожланиб бормоқда, — деди Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Сергей Иванов. — Ўзбекистон Россиянинг ташқи савдо шериклари орасида етакчи ўринда туради. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, 2009 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ошди. Россия Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор.

Ноҳира МАНЗУРОВА,  
ЎзА муҳбири

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2010 йил — Баркамол авлод йили

## БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

**«Миробод» болалар спорт-соғломлаштириш мажмуасининг фаолият бошлаганига қисқа вақт — атиги уч йил бўлса-да, бироқ ёшларни ўзига оҳанрабодай тортиб, уларнинг муҳаббатларини қозонишга муяссар бўлганлигини таъкидлаб ўтиш ўринли.**

Болажонларнинг спорт билан шуғулланишлари учун бу ерда барча шарт-шароитлар мавжуд. Спорт ва футбол майдончалари, югуриш йўлаклари, кенг ва ёруғ зал, ечинини-кийиниш хоналари доимо ёшлар хизматиди.

— Мажмуамизда 16 та спорт турлари билан шуғулланиш мумкин, — дейди директор, самбо бўйича Ўзбекистон чемпионатларининг бир неча бор совриндори Михаил Алиев. — Футбол, бокс, гандбол, таэквандо, бадиий гимнастика, теннис, каратэ, кикбоксинг каби оммавий спорт турларидан ташқари, бизда янги ўзбек жанг санъати, хапкидо ва турон сирларини ҳам ўрганиш мумкин.

Энг муҳими, ёшларга жаҳон, қитъа ва республика миқёсидаги мусобақаларнинг голиб ва совриндорлари бўлиш тажрибали мураббийлар сабоқ бермоқда. Кўнчак устозларнинг саъй-ҳаракатлари ўларок бадиий гимнастикадан Феруза Аҳмедова, Камилла Гареева, Валентина Филиппова, Латифат Бобонова, Моҳира Заҳриятдинова, Альбина Тимиргазина, Дилноза Шерметова, Елена Ким, белбоғли курашдан Достон Йўлдошев, Жавоҳир Зақруллаев, Акбар Аҳмадхонев, боксдан Нодир Ҳайдарбеков, Азамат Нигматжонов каби умидли спортчилар етишиб чиқмоқда.

Спорт мажмуаси нуфузининг тобора ошиб бораётганини ай-

ниқса «Чинор», «Янги Кўйлик», «Билимдон», «Қорасув», «Матонат», «Файзобод», «Толарик», «Олмазор» каби маҳаллалардан, 213, 214, 125, 294, 31, 263, 218, 110, 268-мактаблар, ахборот технологиялари коллежи ва бошқа ўқув муассасалардан кўплаб болажонларнинг катта қизиқиш ва иштиёқ билан турли секцияларда қатнашаётганлигидан ҳам билиш мумкин.

**Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА:** «Миробод» болалар спорт-соғломлаштириш мажмуасида келажак авлоднинг спортга ошно бўлиши учун мана шундай шарт-шароитлар яратилган. Алексей Попов олган суратлар

## ЮРИДИК ХИЗМАТ СИФАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида юридик хизмат ходимлари фаолиятини янада яхшилаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро шартномаларни тайёрлаш ҳамда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ишини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Адлия вазири Р.Мухиддинов бошқарган тадбирда, деб хабар беради ЎзА, идора ва ташкilotларда юридик хизматларнинг ташкил этилгани ушбу субъектларда идоравий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўғри юритилиши, қолаверса, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси билан боғлиқ ишлар самардорлигини оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди. Аммо айна шу йўналишда ўтказилган тах-

лил натижалари шуни кўрсатдики, айрим вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмаларида бу борадаги ишлар талаб даражасида эмас. Ташкilotларда юридик хизматнинг бўш лавозимларини тўлдиришга юзаси қаралаётгани ёки уларда профессионал юристлар ишламаётгани иш сифатига салбий таъсир этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларининг хабарларидан.

✓ **ШАЙХОНТОХУР** тумани ҳокимлигида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари амалдаги иқтисоднинг аҳамиятига бағишлаб туман фаоллари, тадбиркорлар, ёшлар иштирокида семинар бўлиб ўтди.

✓ **НАВРЎ** шукӯи кезиб юрган айна кунларда Мирзо Улугбек туманидаги «Хоразм» маҳалла гузарига уюштирилган байрам тадбирида маҳалла фаоллари, кам таъминланган оилалар аъзолари, ёшлар иштирок этишди.

✓ **ЎЗБЕК** — япон марказида ишбилармонлар иштирокида тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамиятига бағишланган тадбир ўтказилди.

✓ **23-БОЛАЛАР** ва ўсмирлар олимпиада заҳиралари коллежида сузиш бўйича 6-12 ёшли ўсмир қизлар ўртасида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан уюштирилган мусобақа Баркамол авлод йилига бағишланди.



Фестиваллар

## МЕНИНГ ГЎЗАЛ ДИЁРИМ

**Юртимизда ёшларнинг илму ҳунар эгаллаб, ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ўқувчилар ижодиёт марказларида фаолият олиб бораётган турли хил тўғарақларнинг ёшлар билан гавжум эканлиги қувонарлидир.**

Жумладан, бугунги кунда шаҳар ўқувчилар ижодиёт марказида тўғарақ машғулоти билан бир қаторда маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Баркамол авлод йили ҳамда Наврўз байрами муносабати билан мазкур марказда бир қатор тадбирлар, табриқномалар, расмлар танлови, ўзбек-япон маданият маркази

билан ҳамкорликда «Оригами», «Қизлар давраси», Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда «Менинг орзумдаги ўлка» тренинги, марказ ҳудудида жойлашган маҳалларда бадий нафосат тўғараги аъзолари иштирокида «Маҳаллада Наврўз» байрам тадбирлари ўтказилди. Шу билан бирга «Ёш моҳир

қўллар» тўғараги аъзоларининг маданият ва истироҳат боғларида саёҳатлари ташкил этилди.

Кун кеча марказда Наврўз байрамига бағишланган «Менинг гўзал диёрим» фестивали бўлиб ўтди. Тадбир аввалида бадий нафосат тўғараги томонидан концерт дастури намойиш этилди. Шундан сўнг олти майдончада ҳар бир тўғарақдан бир ўқувчи иштирокида қизгин мусобақалар бошланди. «Менинг баҳорий шаҳрим, менинг Тошкентим», «Спорт ўйинлари», «Варрақлар танлови», «Баҳорги экибана», «Байрам репортажи», «Стол теннисиди мусобақалашамиз» деб номланган беллашувлар ниҳоятда қизиқarli ва байрамона руҳда ўтди.

— Фестиваль доирасидаги танлов ва мусобақаларда ўқувчилар фаол иштирок этиб, ўзларининг бор билим ва маҳоратларини, истеъдодларини, чаққонликларини намойиш этидилар, — дейди марказ услубчиси Гулчехра Набиева. — Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва самарали ўтказиш, спортга баҳорий шаҳрим, менинг Тошкентим» қизиқишларини ошириш, истеъдодларини юзага чиқаришга кўмаклашиш, уларнинг ҳар томонлама илми, ҳунарли, юртга садоқатли инсон бўлиб камолга етишларига кўмаклашишдан иборат.

Фестиваль якунида голиб ўқувчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА:** фестивалдан лавҳалар.

**Алексей Попов олган суратлар**

## ЮРИДИК ХИЗМАТ СИФАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида Адлия вазирлигида жорий йилнинг март-апрель ойлари давомида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳуқуқшунослари учун семинарлар ўтказилади.

Айни шу йўналишдаги мазкур семинарнинг биринчи иш кунинда Вазирлар Маҳкамаси таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ҳамда ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси таркибидаги вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ўринбосарлари, юридик хизмат ходимлари иштирок этди.

Тадбирда юридик хизмат ходимлари фаолиятини янада яхшилаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва шартномаларни тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказишни такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар таҳлил этилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА**

## Маънавият

### КУТУБХОНАДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

**«Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида «Турон» ахборот-кутубхона маркази томонидан Тошкент Давлат маданият институти талабалари учун амалиёт машғулоти ўтказилди.**

Олий ўқув юртининг кутубхона-ахборот фаолияти бошқарув факультети талабалари ушбу тадбир давомида «Турон» кутубхонасига асос солган маърифатпарварлар фаолияти ҳақида кўп маълумотларга эга бўлдилар. Бўлажак кутубхоначилар марказда янги барпо қилинган музей фонди билан ҳам яқиндан танишиб, фойдали амалий кўникма ҳосил қилдилар.

## ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

**«Сайёрамиз билан учрашув» электрон қўлланмаси яратилди. Ўзбекистон экологик ҳаракати ва қатор муассасалар томонидан босмага тайёрланган ушбу нашрнинг юзага келишида «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» халқаро дастурининг иштироки катта бўлди.**

Электрон қўлланмада муҳим аҳамият касб этган сайёрамизнинг экологик муаммолари ўз ифодасини топди.

Ушбу нашр талаба-ёшларнинг экологик билимларини янада бойитишга хизмат қилиб, уларни атроф-муҳит соғлиғи учун курашга чорлайди.

Инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолиш йўлида олиб борилаётган таълимий жараёнларга оид қизиқarli маълумотлар ҳам талабаларда қизиқиш уйғотади.

## ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ БЎЙИЧА

**«Баркамол авлод йили» Давлат дастури бўйича «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши томонидан маънавий-маърифий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Кенгашнинг ёшлар билан ишлаш гуруҳи томонидан ўқув юртларида давра суҳбатларини уюштиришга киришилди.**

Ўз ҳаётий тажрибаси, шахсий ибрати билан намуна кўрсатаётган фахрийлар билан учрашувлар ёшларда комил инсонга хос хусусиятларни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий тарғиботни янада кучайтириш мавзуларида савол-жавоб кечалари ҳам ташкил этилади.

**Ақбар АЛИЕВ**

## 2010 йил — Баркамол авлод йили

### МАКТАБ ТАЪЛИМИ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Истиқлол йилларида мактаб таълимини ривожлантириш, тубдан ислоҳ этиш, замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш борасида улкан ютуқлар қўлга киритилди.**

ларини доимий кузатиб борамиз.

Бинобарин, таълим жараёнига сидқидилдан эътибор берилаётгани туфайли ўқувчилар фан олимпиадаларида фаол қатнашиб келмоқда. 9-синф ўқувчилари Бобур Жўраев, Салмон Саидваққосов, Азиза Акбарова,

Саида Холменовалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, мактабда фан олимпиадалари ҳам уюшқоқлик билан ўтказилади. Бундан кўпроқ ўқувчиларнинг ижодий иқтидорини, ўқув-техник воситалардан фойдаланиши, изланувчанлиги, малакасига эътибор қаратилади. Ишти-

рокчилар дарс жараёнларида слайдлар, замон талабларига мос бўлган ўқув куролларидан фойдаланишлар.

— Ватан қудратининг тақдирини ёшлар қўлида экан, уларни маънан етук қилиб тарбиялашда маънавий-маърифий ишлар алоҳида ўрин

тутади, — деди директор ўринбосари Дилшода Зоитова.

— Ўқувчиларда маънавий савиянинг юксалишида бадий адабиётнинг ўрни бекиёс. Шу боис олиб бораётган ишларимиз бевосита сўз санъати, сўз қудрати билан боғлиқ.

Дарҳақиқат, ўқув йили давомида ўтказиб келинаётган «Устозларга эҳтиром — келажакка эҳтиром», «Она тилим — жони дилим», «Сени жондан севамиз, Ватан!», «Ғазал мулкининг султони», «Истеъдодлар бормисиз, омонмисиз» сингари маънавий-маърифий тадбирлар нафақат ўқувчиларда, балки ота-оналарда ҳам бирдек қизиқиш уйғотади.

**Хумоюн АЛИЕВ**

## ЁШ МУТАХАССИСЛАРГА КЎМАК

**Миробод туманидаги 218-мактабда «Ёш мутахассисларга амалий-услубий ёрдам» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган семинарда тумандаги «Ёш педагоглар» мактаби етакчилари ва таърибали ўқувчилар иштирок этди.

Тадбирда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол тарбия топишида таълимнинг тугган ўрни, ўқувчилар билими ва ақлий салоҳияти ўсишида фан тўғарақларининг аҳамияти борасида фикр билдирилди.

Семинар давомида «Йилнинг энг яхши фан ўқувчиси кўрик-танлови голиби Нуршида Имомбердиеванинг «Баркамол авлод — миллат таянчи» мавзуида ўтган очик дарси барчада илиқ та-

ассурот уйғотди.

— Очик дарсларни ўқувчилар атрофли таҳлил қилишди, — дейди туман халқ таълими бўлими услубий маркази раҳбари Зулхумор Зокирова. — Бундай дарслар ўқувчиларга чуқур билим бериш қаторида нутқ бойлиғи ва дунёқарашини кенгайтиришда ҳам катта ўрин тутади.

Семинар давомида педагоглар шўъбаларга бўлиниб, замонавий техник воситалар ёрдамида очик дарслар ўтиши, амалий психологик-педагогик тренинглар ташкил этишди.

**Азиза КИЁСОВА,**  
«Туркистон-пресс»

## Қарор ва ижро

### МАҲАЛЛА — КАТТА КУЧ

**Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг, миллий қонунчилик тизимининг асосини ташкил этади.**

бош бошқармаси, Тошкент шаҳар «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда пойтахтимиз маҳаллаларида фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита бўлим бошлиғи Муҳаммадбобур Йўлдошев, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бўлим мудири Муҳиба Ҳамидова, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошқарма бош-

лиғи Бахтиёр Эгамбердиев ва бошқалар одам савдосига қарши курашиш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари билан маҳалла институти ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Семинарда мазкур йўналишда олиб борилиши зарур бўлган тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини кучайтириш, бу борада маҳаллалар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари зиммасидаги вазифалар ҳусусида фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## Тадбирлар

### ҲУНАР — ҲУНАРДАН ЗАР УНАР

**Тошкент туризм касб-ҳунар коллежида «Касблар фестивали» доирасида «Ҳунар — ҳунардан зар унар» шиори остида «Очик эшиклар кунини» бўлиб ўтди.**

Ҳар йили катта тайёргарлик ва масъулият билан ўтадиган бу тадбирга ўқувчилар, ўқитувчи ҳамда ота-оналар ташриф буюрди. 45, 68, 75-гуруҳлар томонидан тайёрланган «Эйфель минораси», «Миср эҳромлари», «Буюк Хитой девори», «Султон Аҳмад масжиди» каби кўргазмалар ўқувчиларда сайёҳлик хизмати ва туризм бизнесига, италия, корей, араб, француз, турк, рус, ўзбек ошхоналарининг лаззатли таомлари, ошпазлик касбига қизиқиш уйғотгани билан аҳамиятлидир. Айниқса, мева ва сабзавотлардан турли хилда тайёрланган безаклар, дид билан безатилган қовоқ, тарвузлар официантлик, чет эл таомлари ошпази касбининг маҳоратини яққол намойиш этди.

— Ушбу тадбир ўқувчиларда нозик дид, нафосатни янада оширди, — деди 155-мактаб руҳшуноси Сабоҳат Очилова. — Ўқувчилар тайёрлаган антиқа таомлар энг нуфузли ресторо-лар дастурхонини безай олишидан, улар билан ҳамкорлик ўрнатилганидан ота-оналар мамнун бўлишди.

**Жамшид ХОДИЕВ**  
СУРАТДА: «Очик эшиклар кунини»дан лавҳа





